Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 15 январь сешанба

Сотувда эркин нархда

№ 10 (2838)





## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 12 январь куни Оқсаройда АҚШ Конгресси Вакиллар палатасининг Хорижий операциялар бўйича қўмитаси раиси Жим Колбини қабул қилди.

Юртимизга ташрифи арафасида америкалик конгрессмен Ўзбекистон ҳақида самимий гаплар айтиб, мамлакатимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш тўғрисида фикр билдирган эди. Президент Ислом Каримов юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ж.Колбининг мамлакатимизга бундай муносабатини юксак қадрлашини таъкидлади.

— Ўзбекистонга келганингиз айни муддао бўлди, — деди Ислом Каримов. — Ташрифингизни минтақамиздаги вазият билан яқиндан танишиш, аксилтеррор операцияси бошланганидан кейин юз бераётган ўзгаришларни кўриш ва баҳолаш истагида амалга оширилган тадбир, деб ҳисоблаймиз.

Ж.Колби қабул учун Президентга миннатдорлик билдирди. АҚШ Ўзбекистон билан кўп томонлама ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантиришдан манфаатдор эканлигини таъкидлади.

Учрашувда Ўзбекистон — АҚШ муносабатларига оид ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**СУРАТЛАРДА: қабул пайти.**

**Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар.**

***Навоий шаҳридаги йирик корхоналардан бири — «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмасининг мамлакатимиз кимё саноатига қўшаётган ҳиссаси беқиёс.***

## «НАВОИЙАЗОТ»НИ ХОРИЖДА ҲАМ БИЛИШАДИ

Бирлашмада 10 минг нафарга яқин ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Ўтган йили бу ерда каустик сода ишлаб чиқариш, ундан салилгарироқ эса метанол, тиамочевина, гилам тўқиш, ип йигириш корхоналари ишга тушган эди. Бирлашманинг ҳам энига, ҳам бўйига кенгайиб бориши қўшимча иш ўринлари очиш имконини яратди. Биргина 2001 йилнинг ўзида 1 минг 500 киши иш ўрни билан таъминланди.

Ҳозирги пайтда корхонада қарийб 300 хил маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Корхона маҳсулотларига чет давлатларда қизиқиш ортиб бораётгани, айниқса эътиборга сазовор. Айни пайтда МДҲ, шунингдек, Туркия, Ироқ, Венгрия каби 20 дан ортиқ мамлакатга маҳсулот экспорт қилиняпти. Ўтган йили 6 минг 300 тонна нитрон толаси, 470 тонна метанол, 2 минг тонна уксус кислотаси, 50 минг тонна аммиак селитраси, 200 тонна хлор суюқлиги ва бошқа турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, унинг бир қисми хорижлик буюртмачиларга етказиб берилди.

**Ёрқул УМАР, ЎзА мухбири.**

## ИНСОНПАРВАРЛИК FОЯЛАРИГА СОДИҚЛИК НАМУНАСИ

***Дунё жамоатчилиги бугунги кунда Афғонистонда кечаётган воқеа-ҳодисаларни бир қадар тин олган ҳолда кузатмоқда. Чунки жаҳон аҳлининг қалбида ва онгида ушбу мамлакатнинг жафокаш халқи тинч ҳаёт кечиришдек бебаҳо неъматни қўлга киритишига ишонч пайдо бўлди.***

*Долзарб мавзуда шарҳ*

АҚШ Давлат департаменти халқаро ахборот дастурлари идораси муассислигидаги «Вашингтон файли» мухбири Стивен Кауфманнинг хабар беришича, яқинда Давлат департаментида Афғонистонга инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш масаласига бағишлаб ўтказилган пресс-брифингда АҚШ Халқаро ривожланиш агентлиги раҳбари Эндрю Натсиос оммавий ахборот воситалари вакилларига халқаро донорлар, нодавлат ташкилотлари ҳамда афғон кўнгиллиларининг саъй-ҳаракатлари туфайли Афғонистондаги кенг кўламли очарчиликка барҳам берилганини расман маълум қилди. Бу, шубҳасиз, дунё ҳамжамиятининг катта муваффақиятидир. Унга эришишда эса Афғонистонга кўрсатилаётган инсонпарварлик ёрдами асосий омиллардан бири бўлди.

Ўринли бир савол туғилади: бизга қўшни бўлган афғон юртида кенг кўламли очарчиликка барҳам берилишига Афғонистонда тинчлик ўрнатилиши учун узоқ йиллардан бери жиддий ва астойдил қайғуриб келаётган Ўзбекистон қандай ҳисса қўшди ва қўшмоқда?

Бу саволга жавоб бериш учун, аввало, Ўзбекистоннинг Афғонистон масаласида юритиб келган сиёсатига диққат билан эътибор қаратиш лозим бўлади.

Мамлакатимиз раҳбарининг Афғонистонда тинчлик ўрнатиш борасидаги жонкуярликларига жуда кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Улар аллақачон бутун дунёда ўз эътирофини топган. Ўзбекистон Президентининг энг юксак минбарлардан туриб дунё ҳамжамиятини терроризм балосидан бот-бот огоҳлантиргани, унга қарши кураш юзасидан билдирган фикр-мулоҳаза, таклиф ҳамда башоратомуз гаплари тўғри ва ўринли бўлганлигини вақтнинг ўзи исботлади.

Фахр-ифтихор билан айтиш жоизки, бугунги Ўзбекистон жаҳон халқаро сиёсий тизимининг муҳим, обрўли субъектларидан бири, халқаро ҳамжамиятда ўзининг мустаҳкам ўрнига эга бўлган мамлакатдир. Бунга эса Ўзбекистон ўзининг оқилона ташқи сиёсати, таъбир жоиз бўлса, сўзи ва иши бир бўлган давлат эканлиги билан эришди, десак айни ҳақ гапни айтган бўламиз. Чунки мамлакатимиз ўз нуқтаи назарининг, яъни афғон заминида тинчлик ўрнатилиши йўлидаги саъй-ҳаракатларининг мантиқий давоми сифатида дунё мамлакатлари орасида биринчи бўлиб Афғонистонга инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш учун ўзининг ер усти ва ҳаво кенгликларидан вақтинча фойдаланишга рухсат берди.

Ҳа, дунёнинг кенг жамоатчилиги ҳақли равишда эътироф этаётганидек, Афғонистонга инсонпарварлик ёрдами етказиб берилишида Ўзбекистон жуда муҳим ва алоҳида ўрин тутаётир.

Мисол учун, ортда қолган ойларга бир назар ташлайлик. Турли мамлакатлардан келган инсонпарварлик ёрдамини афғон халқига мамлакатимиз чегараси орқали етказиб бериш илк бор ўтган йил ноябрь ойининг биринчи ярмида бошланган эди. Ўшанда афғонларга сув ва ҳаводек зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари Термиз дарё порти орқали баржаларда дарёнинг нариги соҳилига етказиб берилган эди.

Бизга қўшни бўлган мамлакатда барқарорлик ўрнатиш жараёнининг тезлашишида Ўзбекистон ҳукумати билан БМТ ўртасида Афғонистонга инсонпарварлик ёрдами етказиб беришни қўллаб-қувватлаш ҳақида Протокол имзолангани муҳим аҳамият касб этди. Бу жараёнда Ўзбекистон иштироки янада фаоллашди. Инсонпарварлик ёрдами юкларини қўшни мамлакат ҳудудига етказиб бериш учун Ўзбекистонда мавжуд бўлган қулай инфратузилма дунё ҳамжамиятига жуда қўл келиши кутилган ҳол эди.

Маълумки, юкларни манзилга етказиш жараёни БМТ томонидан мувофиқлаштириб борилаётир. БМТ билан имзоланган ҳужжатга мувофиқ, Ўзбекистон томони инсонпарварлик жараёнини янада тезлаштириш, жумладан, олиб ўтилаётган юкларни бож тўловларидан озод этиш ва ишнинг бошқа ҳуқуқий жиҳатларини енгиллатиш учун барча зарур чоралар кўришни ўз зиммасига олди. Шунингдек, мазкур ҳужжатда бу хайрли миссияда бошқа ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотларини иштирок этишга жалб қилиш ҳам ўз ифодасини топган эди.

Афғонистонга Термиз дарё порти орқали юк етказиб бериш бошланганидан сўнг орадан бир ой ўтиб Ҳайратон кўприги очилди. Бу ҳам Ўзбекистоннинг сўзи ва иши бир давлат эканлигининг яна бир исботи бўлди. Кўприкнинг очилиши мавжуд темир йўл ва автомобиль йўлидан фойдаланиш имконини бериб, инсонпарварлик юкларини тез ва катта миқдорда етказиб бериш учун қулайлик яратди.

Зеро, БМТ Бош котиби Кофи Аннаннинг Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга мактуб йўллаб, мамлакатимиз раҳбари БМТнинг Афғонистонга инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш борасидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаётгани муносабати билан ўзининг самимий миннатдорлигини изҳор этгани ҳам фикримизнинг исботидир. Чунки мамлакатимиз томонидан кўрилган чора-тадбирлар дунё ҳамжамиятига чегарамиз орқали Афғонистонга инсонпарварлик кўмаги етказиб беришни янада ошириш имконини берди. Шунингдек, АҚШ Президентининг мамлакатимиз раҳбарига йўллаган мактубида ҳам Афғонистонга инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш борасидаги ҳамкорлик янада мустаҳкамланишидан манфаатдорлик изҳор этилган.

Ўзбекистон Фавқулодда вазиятлар вазирлиги маълумотларига қараганда, жорий йилнинг 14 январига қадар 18654,556 тонна инсонпарварлик юклари Ўзбекистон орқали Афғонистонга етказиб берилган. АҚШ Халқаро ривожланиш агентлиги раҳбарининг қайд этишича, Афғонистонга озиқ-овқат ёрдамини етказиб бериш дастурининг ижроси бошланганидан буён ушбу мамлакатга келтирилган озиқ-овқат маҳсулотлари ҳажми ҳар ойда икки баравар ошиб борди. Дунё бўйича Афғонистонга юборилаётган жами инсонпарварлик ёрдамининг нақд қирқ фоизи мамлакатимиз чегараси орқали кўзланган манзилга элтиб берилаётир.

Алоҳида таъкидлаш керакки, буларнинг ҳаммаси жафокаш афғон халқига инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш кутилганидан ҳам яхши самара бераётганининг ёрқин далилидир.

Матбуотда эълон қилинганидек, яқинда АҚШ сенаторлари делегациясининг мамлакатимизга буюрган ташрифи ниҳоясига етди. Ташриф давомида мазкур делегация раҳбарларидан бири — сенатор Ж.Либерман Афғонистонда тинч ҳаётни изга солиш масаласи ҳақида тўхталиб, бу жараёнда Ўзбекистон алоҳида ўрин тутаётганини таъкидлар экан, улар Афғонистондаги аксилтеррор операцияларида Ўзбекистонсиз муваффақиятларни қўлга кирита ололмаган бўлишларини ҳақли равишда эътироф этди.

**Шуҳрат УМИРОВ, "Жаҳон" АА шарҳловчиси.**

*Ўзбекистон — АҚШ*

## ИШОНЧ КЎПРИГИ

Яқинда бир танишим иш юзасидан АҚШга бориб келди. «Американликлар менга жуда самимий, дўстона, қадрдонлардек муносабатда бўлишди. Ўзбекистонданман, десам хурсандчиликларини яширолмай яйраб кетишди. Америкада олдин ҳам бир неча марта бўлганман. Бироқ бунчалик илиқ муносабатни сезмагандим. Илгари Ўзбекистонданман, десам нуқул елка қисишар эди. Ҳозир Президент Каримовни ва у ўтказаётган сиёсатни яхши билишади. Икки давлат, икки халқ ўртасидаги муносабатнинг ижобий томонга бу даражада кескин ўзгаришидан ҳам қувондим, ҳам фахрландим», деди у мамнун бўлиб.

Шунда беихтиёр Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 1995 йилда Ўзбекистон телевидениеси мухбирига берган интервьюси ёдимга тушди. «Агар Америка — Ўзбекистон алоқалари, муносабатлари тўғрисида гапирадиган бўлсам, — деган эди ўшанда Юртбошимиз мухбирнинг саволларига жавоб бериб, — биринчи навбатда, унинг ривожига ахборот камлиги сезиларли таъсир кўрсатмоқда». Ҳақиқатан ҳам, АҚШ Ўзбекистон мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олган ва унинг Марказий Осиёдаги мавқеини бошқалардан кўра яхшироқ англаб етган эди. Ўзбекистон раҳбарининг 1995 йил кузида АҚШга қилган ташрифи ва у ердаги амалий учрашувлари, шунингдек Ўзбекистоннинг муҳим халқаро масалаларда таклифлар ҳамда ташаббуслар билан чиқиши американликларнинг бизнинг мамлакатимиз ҳақидаги эски тасаввурларини бутунлай ўзгартириб юборди.

**(Давоми 2-бетда).**

***Тошкент автомобиль-йўллар институтида бўлиб ўтган мамлакатимизнинг қатор олий ва ўрта махсус таълим муассасаларидан ташриф буюрган иқтидорли талаба ёшлар анжумани компьютерлаштириш ва ахборотлаштириш — XXI асрда жамият тараққиётининг долзарб йўналишига бағишланди.***

## Ёшлар анжумани

Унда «Интернет»дан фойдаланиш ва компьютер дастурларини яратиш тажрибаси, компьютер технологиялари борасида халқаро танловларда иштирок этиш шартлари, компьютерлаштиришда «Веб» дизайни масалалари ҳақида халқаро танловлар соврииндорларининг маърузалари тингланди.

Анжуманда олий ва ўрта махсус таълим вазири С. Ғуломов таълим соҳасида мамлакатимиз ёшлари эришаётган ютуқлар, иқтидорли талабаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда интеллектуал ёшлар келажагини яратиш борасидаги вазифалар хусусида тўхталиб ўтди. Қолаверса, бу борада ёшларнинг салоҳияти қай даражада эканлиги тўғрисида ҳам фикр алмашилди.

**Ғофур ЖАБИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2002 йил 15 январдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/*

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 356,85 |
| 1 Австрия шиллинги | 44,79 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 998,35 |
| 10 Бельгия франки | 152,77 |
| 1 Голландия гульдени | 279,66 |
| 10 Греция драхмаси | 18,10 |
| 1 Дания кронаси | 82,97 |
| 1 БАА дирҳами | 187,57 |
| 1 АҚШ доллари | 688,90 |
| 1 Миср фунти | 149,76 |
| 10 Испания песети | 37,04 |
| 100 Италия лираси | 31,83 |
| 1 Канада доллари | 431,59 |
| 1 Хитой юани | 83,23 |
| 10 Люксембург франки | 152,77 |
| 1 Малайзия рингтити | 181,31 |
| 1 Германия маркаси | 315,10 |
| 1 Польша злотийси | 170,39 |
| 1 СДР | 866,62 |
| 1000 Туркия лираси | 0,50 |
| 1 Финляндия маркаси | 103,65 |
| 1 Франция франки | 93,95 |
| 1 Швейцария франки | 417,03 |
| 1 ЕВРО | 616,29 |
| 10 Жанубий Корея вони | 5,26 |
| 10 Япония иенаси | 52,30 |
| 1 Россия рубли | 22,63 |
| 1 Украина гривнаси | 129,71 |

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

***Мамлакатимизда умумхалқ байрами — Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил топганининг ўн йиллиги кенг нишонланди. 12 январь куни пойтахтимизнинг муҳташам «Туркистон» саройида ана шу шонли санага бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Шу муносабат билан бу ерга Қуролли Кучларимиз вакиллари — оддий аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар, ишчи ва хизматчилар, уруш, меҳнат ҳамда армия фахрийлари, олий ҳарбий ўқув юртлари курсантлари, шаҳар жамоатчилиги намояндалари, меҳмонлар тўпланди.***

## Шонли байрамга бағишланди

Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдураҳмонов очди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримовнинг Ватан ҳимоячиларига байрам табригини республика мудофаа вазири Қ.Ғуломов ўқиб эшиттирди ва ушбу шонли сана тўғрисида маъруза қилди.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин мамлакатимизда замон талабларига жавоб бера оладиган Қуролли Кучларимиз ташкил этилди. Армиямиз ўн йил мобайнида мураккаб, шу билан бирга шарафли йўлни босиб ўтди. Бугунги кунда Қуролли Кучларимиз мамлакатимиз давлат суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини мустаҳкам ҳимоя қилаётир. Истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз сарҳадларининг дахлсизлиги ва суверенитетини, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ишончли ҳимоя қилиш мақсадида тезкор, замонавий, қудратли Қуролли Кучларимизни ташкил этиш борасидаги ислоҳотлар изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Йиғилишда Бош вазир ўринбосари, республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Д.Ғуломова, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси Б.Убайдуллаев, фахрийлар номидан заҳирадаги офицер А.Алимов Қуролли Кучларимиз вакилларини шонли байрам билан табрикладилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Э.Халилов, Бош вазир Ў.Султонов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиси Т.Худайбергенов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги миллий хавфсизлик кенгаши котиби М.Раҳмонқулов ва бошқа расмий кишилар қатнашди.

Тантанали йиғилишдан кейин республика санъаткорлари ва ёш ижрочиларнинг байрам концерти намойиш қилинди.

**(ЎзА).**

*Шаҳарларимиз*

## Сабзавор ЮРТ

«Бобурнома»да шундай сатрлар бор: «Баҳорлар саҳроси ва шаҳри ва боми ва томи хуб сабз бўлур учун Шаҳрисабз ҳам дерлар». Кешнинг, яъни Шаҳрисабзнинг иқлими ана шундай баҳаво бўлган. Баҳорда кўм-кўк бўлиб яшнаб турган. Фақат шу эмас. Шу юртнинг улуғ фарзандлари туфайли бу қутлуғ заминда муҳташам кошоналар барпо этилган. Яна «Бобурнома»дан бунга мисол келтирамиз. «Темурбекнинг зоду буди Кешдин учун, шаҳр ва пойтахт қилуриға кўп саъй ва эҳтимомлар қилди». Кеш — Шаҳрисабз Амир Темур ҳазратлари учун ўзига хос парвоз нуқтаси бўлган. Бу ҳам тасодиф эмас. Чунки Кеш — Шаҳрисабз Шарқ дунёсида «Илму адаб қуббаси» дея эътироф этилган. Шунинг учун ҳам ушбу заминдан Соҳибқирон Амир Темур етишиб чиқди.



Шаҳрисабз ана шундай табаррук ва мўътабар шаҳардир. Қувонарли томони шундаки, буни бутун жаҳон тан олиб турибди. Агар ёдингизда бўлса, ўтган йили Шаҳрисабз ЮНЕСКОнинг «Умуминсоний қадриятлар» китоби рўйхатига киритилганди. Хива, Самарқанд, Бухоро ана шундай шарафга ноил бўлганди.

**(Давоми 3-бетда).**

*Ташаббус*

## Натижага қараб кредит

Ўтган йилнинг кўклами эди. Дўстлик тумани фермерлари йиғилишида «Пахта банк» бошқаруви раиси Аҳроржон Султонов сўз олди.

— Жамоамиз шундай танлов эълон қилади, — дейди у. — Ғалла ва пахта сотиш шартнома режасини сентябрь охиригача бажарган фермер хўжаликларига «МТЗ-80» трактори сотиб олиш учун имтиёзли кредит берилади...

Яқинда ана шу танлов якунланиб, туманнинг Икром Абдувалиев бошлиқ «Абдували ота», Эргаш Игликов бошлиқ «Ботир», Солижон Абдиев бошлиқ «Қангли», Мардон Эсонов бошлиқ «Нодир ота» фермер хўжаликлари ғолиб бўлдилар. Банк бўлими бу хўжаликларнинг ҳар бирига 5,7 миллион сўмдан, жами 22 миллион 800 минг сўм кредит бериб, деҳқонларни ял-янги тракторлар билан хурсанд қилди.

Туман бўйича пахтадан ҳам, ғалладан ҳам барча фермерлардан кўп ҳосил олган Абдували Турдибеков бошлиқ «Турдибек ота» фермер хўжалиги жамоаси эса 7 миллион сўм кредит эвазига ҳам трактор, ҳам иккита тележка сотиб олди.

«Пахта банк»нинг Дўстлик туман бўлими жамоаси ана шундай изланувчанлик ва хайрли ишлар билан туман қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришга муносиб улуш қўшмоқда. Улар томонидан ўтган йил давомида фермерлар ва якка тартибдаги тадбиркорларга 112 миллион сўм кредит берилди.

**Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ.**

## ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

**● АҚШ Ҳарбий ҳаво кучлари самолётлари Афғонистоннинг Завар ҳудуди яқинида жойлашган «Ал-Қоида» экстремистик ташкилотига қарашли ҳарбий машғулот лагерларини бомбардимон қилган.**

**Пентагон вакилининг хабарига кўра, разведка «Толибон» ҳаракати террорчи ва жангарилари шу ерда йиғилаётгани ва чегарадан Покистон томонга ўтишга тайёргарлик кўраётгани ҳақида маълумот олган.**

**● «Ал-Қоида» ва «Толибон» экстремистик гуруҳининг асирга олинган 30 нафар аъзоси ўтган куни Гуантанамо (Куба)да жойлашган Америка ҳарбий базасига юборилди. Бу уч кун аввал жўнатилган 20 нафардан иборат асирлардан кейинги иккинчи гуруҳдир.**

**● Покистон полицияси мамлакатда таъқиқланган радикал ислом гуруҳларига тегишли бўлган 1500 нафар кишини ҳибсга олган.**

**Газеталар ва полиция вакилларининг айтишларича, қўлга олинганлар «Силха-э-Сахоба», «Шиит Техрик-э-Жафриа», «Жаши ва Муҳаммад», «Лашкар-э-Тоиба» гуруҳларининг аъзолари бўлишган.**

**● Фаластин раҳбари Ёсир Арофат жаҳон ҳамжамиятини Исроил ҳарбийлари ҳаракатларини тўхтатишга чақирди. Унинг айтишича, Фаластин ҳукуматининг Исроил ҳарбийлари томонидан қўлга олинган қурол-яроғларга алоқаси йўқ. Бу хабарлар Исроил томонининг Фаластинда олиб бораётган «агрессиясини хаспўшлаш учун» тарқатилган.**

**● Иордания бош вазири Али Абу ал Ражиб истеъфога чиқишини маълум қилди. Иордания қироли Абдулла II эса уни ўз лавозимида қолиб, Вазирлар Маҳкамасининг янги таркибини тузишга таклиф этиши кутилмоқда.**

**● Ўтган ҳафта ичида Москва шаҳрида қаҳратон совуқ натижасида 12 киши ҳалок бўлган. Қаттиқ совуқ боис шифохоналарга келтирилганлар эса 195 нафар кишини ташкил этган.**

*«Интернет» хабарлари асосида Салим ДОНИЁРОВ тайёрлади.*

